

Бадиий матнда синонимнинг қўлланиши

Ўқитувчи: Донишева Гулрўр (ЖДПУ)

Аннотация: Ушбу мақолада бадиий нутқнинг ранг-баранглигини таъминловчи асосий воситалардан бири, тилнинг муҳим ифода воситаси синонимлардан фойдаланиш маҳорати таҳлил марказига қўйилган.

Калит сўзлар: Эмоционал бўёқдорлик, оттенка, стилистика, нейтрал, бадиийлик, мадад, қариндош, янга, туз, қора, танҳо, ёр, номус, орийат, агар, лекин.

Annotation: This article focuses on one main tools for ensuring the diversity of artistic discourse, the ability to use synonyms as an important means of expression in language.

Key words: Emotional coloring, tone, stylistics, neutral, art, support, cousin, brother's wife, salt, black, lonely, beloved, honor, conscience, if, but.

Синонимлар тилнинг бой ва ранг-баранглигини кўрсатувчи омиллардан биридир. Синонимлар фикрни аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалашга ёрдам беради. Шу сабабли, сўз санъаткорлари улардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ижодкорнинг бадиий маҳоратини, сўз бойлигини унинг ўринли ва мақсадли қўллаган синонимларидан пайқаш мумкин.

Тўра Сулаймон синоним сўзларнинг ўзаро мутлақ тенг эмаслигига, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига ва маъноларидаги нозик фарқларига доимо катта эътибор қилиб, улардан ўз ўрнида фойдалана олган.

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да *дўст* сўзининг синонимик қатори сифатида *ўртоқ, улфат, оғайни, ошна, жўра, биродар, ҳамдам, дугона, томир, чўпқот* кабилар келтирилган¹. Аммо уларнинг қўлланиш даражаси ва услуби фарққа эга. *Жўра, биродар, улфат* сўзлари *ўртоқ, ошна, оғайни* сўзларига нисбатан кам ишлатилади. *Улфат* сўзининг

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1974. – 310 б.

луғавий маъноси эса *розилик, иттифоқлик, иноқлик бўлиб, яхши кўриш, меҳр, муҳаббат* демакдир. Сухбат, зиёфатда доимий бирга бўладиган кишилар бирлиги, шундай кишилардан иборат бўладиган йиғин. Шоирнинг сатирик шеърлар китобида келтирилган “Ташладим” шеърида ичкиликни ташлаганидан кейин улфатлари ташлаб кетганини айтади. Шоир бу ўринда дўст сўзини қўлламайди. Чунки бу сўзда ўртоқлик муносабатидаги яқинлик яна ҳам кучли. Ҳар қандай улфат одам дўст бўла олмайди.

Бора-бора улфатлар ташлаб қочар ҳам бўлди,

Каминангиз бедаво дардга дучор ҳам бўлди.

Тўйхатлардан тамоми номи ўчар ҳам бўлди,

Қирққа етмай қомат лол-хиёл ночор ҳам бўлди,

Ташлагандан ташладим ичиб, чеқмоқларингни (“Ташладим”)

Шу шеърининг бошқа бандида энди дўст сўзини қўллайди.

Ранги-рўйимга, дўстлар, югурди қон, оқибат.

Ташлагандан ташладим ичиб, чеқмоқларингни (“Ташладим”)

Шу мавзудаги бошқа шеърида *дўст* сўзи билан бир қаторда *шерик* сўзини келтириб, дўст ва шерик орасида фарқ борлигига ишора қилади.

Дўст, шерикларим алкашлар

Юрганда йўли чалкашлар

“Ким билан ким топишади!”

Деб кулишар ҳазилкашлар (“Ичдим, армоним қолмади”).

“Синонимлар маъно оттенкаларининг дифференциясига эмас, балки улар билдирган стилистик оттенка ва эмоционал буёқларнинг характери”² ни, ҳис – ҳаяжон ва эмоционал ҳаётимиз билан доимо алоқада бўлишини ҳисобга олиш шоир учун жуда муҳим. Тўра Сулаймон мана шу жиҳатни ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

² Қўчқортоев И. Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари. «Тилшунослик масалалари», 1-китоб. – Тошкент, 1960.

Ёрнинг синонимлари сифатида *севгили, маҳбуба, ёр, нигор, дилдор* сўзлари қўлланади. Лекин лирик қаҳрамон бу сўзлардан бадиийлиги кучли бўлган сарвинозим сўзини қўллайди.

Рўзгоримдан тўзим кетди,

Кўрадан қўй-қўзим кетди. Бу кулфатга чидай олмай

Ташлаб сарвинозим кетди (“Ичдим, армоним қолмади”).

Ёр сўзи гендер хосланмаган лексема саналади. У эркакка ва аёлга нисбатан баравар қўлланади. Шоир шу ўринда ёр билан бирга қиз тилидан йигитим сўзини қўллайди. Маълумки, бу сўз оғзаки услубга хос бўлиб, ижодкор бу билан шеър мавзусининг, ғоясининг ҳаётийлигини кўрсатган.

“Ўз севган йигитим, севган ёрим бор,

Дунёга бергусиз номус, орим бор (“Алҳазар”).

Эмоционал – стилистик хусусиятга эга бўлган бу синонимлар турли маъно нозикликларини фарқлаш ва шеърга ранг–баранглик бериш учун хизмат қилган.

Кўланка сўзи бирор ички руҳий ҳолатнинг (мас. ташвиш, ғам, азоб) ифодаси, аксидир. Шоир бу сўзга белгига эга эмаслик -сиз қўшимчасини қўшиб, *ғамсиз, ташвишсиз, азобсиз* синонимик қаторига *кўланкасиз* сўзини қўшиб, бойитди. Ушбу мисраларда *кўланкасиз, тиниқ* сўзлари контекстуал синонимлар қаторини ташкил этган. Чунки *кўланкасиз* ва *тиниқ* сўзлари нутқий вазиятдан ташқарида синоним эмас. Аммо булар азобсиз ва яхши ўтган кунлар маъносида нутқий синонимик уяни ташкил қилган.

Мустажоб бўлмади ёлворишларим

Кўнглим ўксик, хаста, кўзларимда ёш.

Не қора кунларда биронта зот ҳам

Бўла билмадилар менга қайғудош (“Қисмат”).

Бу мисраларда ўксик, хаста сўзлари кўнгилга нисбатан контекстуал синонимликни ҳосил қиляпти.

Шоир тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этадиган, эмоционал-экспрессив ифода семалари қабарик ҳолда реаллашадиган лексик

бирликлардан бири синонимларни ўринли ва мақсадли қўллаб, ўзига хос бадийлик ва услуб ярата олган.